

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВ БАХТИЁР ХАСАНБОЕВИЧ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИНГ ХУДУДИЙЛИК,
ДАВРИЙЛИК ВА КОМПЛЕКСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий
ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2018

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Камолов Бахтиёр Хасанбоевич

Наманган вилоятида экотуризмнинг худудийлик, даврийлик
ва комплекслик хусусиятлари.....5

Камолов Бахтиёр Хасанбоевич

Территориальные, периодические и комплексные особенности
экотуризма в Наманганской области.....17

KamalovBakhtiyorKhasanboyevich

Territorial, periodic and complex features of the ecotourism in the
Namangan region31

Эълонқилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 37

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВ БАХТИЁР ХАСАНБОЕВИЧ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИНГ ХУДУДИЙЛИК,
ДАВРИЙЛИК ВА КОМПЛЕКСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий
ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Атгестация комиссиясида В2017.3.PhD/G26 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз - резюме) Илмий кенгашнинг веб - саҳифаси (nauka@nuu.uz.) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нигматов Асқар Нигматуллаевич
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахритдинов Баходир Арифович,
география фанлари доктори, профессор

Шамуратова Нигора Тахировна
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «20» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24 E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот -ресурс марказида танишиш мумкин (№ 68 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018 йил «9»июльда тарқатилди.
(2018 йил «6» июльдаги 12 - рақамли реестр баённомаси)

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаши лмий котиби, г.ф.н., доцент

А.А.Қаюмов

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий
кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг ҳисоботида туризмни барқарор ривожлантиришнинг 10 та дастури баён этилган бўлиб, унда «экотуризмни ривожлантириш учун иқлим ўзгариши, чиқиндиларни назорат қилиш, ерлардан барқарор фойдаланиш, биохилма-хилликни ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш»¹ лозимлиги таъкидланган. Шу боис экотуризмни ривожлантиришда экотизимларнинг барқарорлигини сақлаш, биохилма-хилликни ва табиат ёдгорликларини асрашни илмий асосда ташкил этиш, экотуризмни барқарор ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида экотуризмни ривожлантиришда табиат ёдгорликлари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, экотизимларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, экотуризмнинг даврийлигини узайтириш, ҳудудий таркибини такомиллаштириш, комплекслик имкониятларини аниқлаш ҳамда самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда туризм ва унинг тармоқларида (эко, агро, тарихий, диний, экстремал, шоп) хизмат турларини шакллантириш, ҳудудларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, кўп тармоқли тур фирмалар сонини кўпайтириш ва уларнинг ихтисослашуви ҳамда ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш», ҳамда «одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, табиий шароити ва экотизимлари турлича бўлган Наманган вилоятида экотуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 3 февральдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 6 февральдаги ПҚ-3509-сон «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, 2018 йил 7 февральдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори

¹<https://www.e-unwto.org/doi/pdf/>. UNWTO Annual Report 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экотуризмнинг илмий-назарий масалаларига Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардаги географ ва иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари бағишланган. Экотуризм ҳақидаги манбалар илк бор XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида хорижлик олимлар Р.Давидов, А.В.Дроздов, В.В.Храбовченко, Т.В.Бочкарёва, Л.И.Егоренков ва А.Таксановларнинг асарларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда туризмни маркетинг ва менежмент масалалари бўйича О.Х.Ҳамидов, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева ва М.Р.Усмоновлар томонидан илмий ишлар олиб борилган. Экотуризмнинг илмий-назарий асосларини А.Н.Нигматов, Н.Т.Шамуратова ва М.Хошимовлар томонидан ўрганилган. Бу олимларнинг тадқиқотлари республикада экотуризмни илмий-назарий асосларини ўрганишга бағишланган.

Бироқ, ҳозиргача экотизимлар экотуризмнинг алоҳида бир объекти, уларнинг туристик имкониятлари эса, тадқиқот предмети сифатида тадқиқотлар амалга оширилмаган. Хусусан, Наманган вилоятининг табиий ва антропоген экотизимлари доирасида экотуризмни ривожлантириш, туристик имкониятларини аниқлаш, экотуристлик маршрутларни яққа ва комплекс равишда олиб бориш масалалари тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-7-29 рақамли «Наманган вилояти табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» (2012-2014 йй.) амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Наманган вилоятида экотуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини аниқлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Наманган вилоятини табиий географик жиҳатдан тавсифлаш;
вилоятдаги сув ҳавзаларидан экотуристлик объект сифатида фойдаланиш ва келажак истиқболларини аниқлаш;

вилоят миқёсида экотуристлик маршрутларни алоҳида ва комплекс равишда олиб бориш бўйича вилоятнинг экотуристлик районлари ва маршрутлари картасини яратиш;

вилоятнинг экотуристлик имкониятларини аниқлаш, янада

ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Наманган вилоятининг табиий ва антропоген ўзгарган экотизимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети вилоятда экотуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида ҳудудий таҳлил, картографик, географик таққослаш, дала тадқиқот, экспедиция, статистик, типологик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Наманган вилоятининг экотуристлик имкониятлари (табиат ёдгорликлари, ноёб ландшафтлар) аниқланган ва истиқболда экотуризмни ривожлантириш учун «Наманган вилоятининг экотуристлик районлари ва маршрутлари» картаси яратилган;

сув ҳавзаларидан (Эски ер, Варзик, Чортоқсой, Резаксой) экотуристлик объект сифатида фойдаланиш йўналишлари (спорт, рафтинг, экстремал, шоп) асосланган;

вилоят миқёсида экотуристлик маршрутларни алоҳида (фақат экотуристлик) ва комплекс (эко, агро, тарихий, экстремал, шоп турлари) равишда олиб бориш бўйича маршрутлар ишлаб чиқилган;

вилоятнинг экотуристлик имкониятларидан унумли фойдаланиш (табиий питомниклар ташкил этиш, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида меҳмон уйлари қуриш) юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Наманган вилоятининг маъмурий бирликларидаги экотизимлар таҳлил қилиниб, уларнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш ва ҳудудда экотуризмни ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган:

Экотуризмни ривожлантириш мақсадида Наманган вилоят ҳокимининг 2016 йил 16 февральдаги 66-сон «2016-2017 йилларда Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги» қарорининг 2-иловасидаги 48-49 бандлари бажарилган;

Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 1 мартдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга ошириш дастури»нинг 27-бандида кўрсатилган «Янги турдаги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтириш» банди юзасидан «Наманган вилоятининг экотуристлик районлари ва маршрутлари» картаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ишончлилиги Наманган вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари ва дала кузатув ишлари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан

белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экотизимларнинг туристик имкониятларини аниқлаш ҳамда ноёб табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва экотуризмда фойдаланишнинг методик ёндашувларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Наманган вилоятидаги экотизимларнинг экотуристтик имкониятларини аниқлаш, сув ҳавзаларидан экотуристтик объект сифатида фойдаланиш, янги экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наманган вилоятида экотуризмнинг ҳудудий таркибини комплекс ривожлантириш бўйича берилган таклифлар асосида:

Наманган вилоятининг экотуризм имкониятлари ва янги экотуристтик маршрутлари тасвирланган «Наманган вилоятининг экотуристтик районлари ва маршрутлари» картаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-22/3261-сон маълумотномаси). Натижада вилоятнинг экотуристтик районлари ва маршрутлари картаси туристик соҳада янги маршрутлардан самарали фойдаланиш имконини берган;

вилоятдаги Эски ер ва Варзик сув омборларида спорт ва шоп туризмини, Чортоқсой ва Резаксойда рафтинг, экстремал ва шоп туризм тармоқларини ривожлантириш ва экотуристтик объект сифатида фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклифлари Наманган вилоят ҳокимининг 16. 02.2016 йилдаги 66-сон Қарори билан тасдиқланган “2016-2017 йилларда Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури”да фойдаланишда амалиётга жорий этилган (Наманган вилоят ҳокимлигининг 2018 йил 17 мартдаги 01/19-675-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда ички туризмни ривожлантириш ҳамда вилоятдаги сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув ҳавзаларида туризмнинг спорт, шоп, экстремал, рафтинг турларидан унумли фойдаланиш имконини берган;

вилоят миқёсида экотуристтик маршрутларни алоҳида ва комплекс равишда олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган маршрутлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-22/3261-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда экотуризм билан бирга туризмнинг агро, тарихий, диний экстремал, шоп турларидан фойдаланиш имконини берган;

экотуризмни янада ривожлантириш учун мавжуд экотуристтик объектлар ва имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Наманган вилоятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-22/3261-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда табиий

питомниклар ташкил этиш, тоғ ва тоғ олди худудларида меҳмон уйлари қуриш, янги маршрутларда саёҳатларни олиб бориш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий мақолаларда чоп этилган, шулардан, 1 та ҳаммуаллифликда монография, республикада 6 та ва 1 таси хорижий нуфузли журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Наманган вилояти ва унинг туристик имкониятлари»** деб номланган I-бобининг 1-бўлими Наманган вилоятининг табиий географик тавсифидан бошланган. Зеро, туризм индустрияси, жумладан, экотуризмни ривожлантиришнинг энг мақбул йўли, авваламбор, маҳаллий миқёсда туристик имкониятларни ўрганиш, унинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва оптимал ривожлантириш истиқболини белгилашдан бошланар экан, вилоят ҳокимининг «Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 2016 йил 16 февральдаги 66-сон қарори бунинг амалий ижроси бўлди.

Мазкур бобнинг 2-бўлимида «Туризмга қўйиладиган талаблар ва унинг замонавий таснифи» да туризм ва унга тегишли атама ва ибораларнинг илмий асослаш ва ягона бир тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини аниқлаштириб олиш талабига бағишланган. Таклиф этилаётган туризм тушунчасига қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди: шахслар эмас, балки шахс. Чунки, «шахс» сўзининг луғавий юридик маъноси айнан жисмоний ёки юридик шахс маъносини беради; доимий яшаш жойларидан эмас, балки жойидан. Чунки, шахснинг доимий яшаш жойи унинг давлат рўйхатидан ўтган жойига қараб бегиланади ва туризмга доир аниқ бир статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятини яратади ҳамда чалкашликларга олиб келмайди; «муайян муддат» ўрнига «вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ойгача кетма-кет бориши» сўзлар

бирикмасини киритиш «турист» ва «нотурист» мақомини аниқлаштиради; «пул тўланмаслик» талаби шахснинг хизмат сафари, давлат ёки корпоратив маҳсус топшириқларни бажариши пуллик вақтинчалик ташрифи эканлиги билдиради; «муайян мақсадда» (агарда шахс бир туризм турини танласа) ёки «муайян мақсадларда» сўзлар бирикмаси киритилди. Бу, биринчидан, ички ва ташқи сайёҳликни тўғри ташкил этиш ва олиб бориш демакдир. Иккинчидан, ҳар бир туризм турларига, унинг мақсадига қараб аниқлик киритишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 февральдаги ПФ-4861-сон Фармонида ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм билан биргаликда бошқа салоҳиятли турларини, жумладан экологик туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш масаласи қўйилган.

Мазкур соҳани 2021йилгача ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон Фармони тасдиқланди. Республикамизни 2017-2021 йилларда ривожлантириш мақсадида бешта устивор йўналиши белгилаб олинди.

Маъмурий бирликлар доирасида жойнинг туристик имкониятларини ўрганиш масаласи 2002 йил май ойида Канада давлатининг Квебек шаҳрида БМТнинг атроф-муҳит дастури (ЮНЕП) ва Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) билан биргаликда ўтказган ва 132 мамлакатдан 10 мингдан зиёд делегатлар, давлат, шахсий ва нодавлат сектор вакиллари қатнашган анжуманда эътироф этилган. Унда экотуризмнинг ҳудудий ривожланиш принциплари Квебек декларациясида акс эттирилди. Натижада 70 тадан ортиқ давлатларда “Табиат туризми”, “Экотуризм” ва “Тоғ туризми” номи билан табиат имкониятларидан сайёҳликда унумли фойдаланиш илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада Наманган вилоятидаги туманларда туризмнинг турларини аниқлаш ва истиқболда такомиллаштириш мақсадида маршрутлар ташкил қилинди. Натижада ҳозирги кунда мавжуд туманларда 420 дан ортиқ туризмнинг турларига оид объектлар қайтадан рўйхатдан ўтказилди. Вилоятдаги туристик объектларда олиб борилган илмий тадқиқотлар якунида маълум бўлдики, аксарият дам олиш, даволаниш, табиат билан боғлиқ бўлган туризм турлари тоғ ва тоғ олди ҳудудларда жойлашганлиги маълум бўлди. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида туризм тармоқларини янада ривожлантиришда мазкур ҳудудларни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Наманган вилоятидаги туристик объектларнинг туризм турлари бўйича жойлашуви (2017 й.)

Т/р	Туманлар	Тарихий туризм	Диний туризм	Агротуризм	Экотуризм	Экстремал	Рекреацион	Шоптуризм	Нозотуризм	Тоғ туризм	Рафтинг	Жами
1	Наманган шаҳри	8	6	-	-	-	6	3	4	-	3	30
2	Косонсой	3	4	2	5	-	4	2	4	10	4	38
3	Мингбулоқ	1	6	2	3	1	-	-	2	-	1	16
4	Наманган	1	2	1	-	-	-	-	-	-	1	5
5	Норин	1	4	1	1	1	1	-	-	-	1	10
6	Поп	1	6	2	6	8	25	8	2	20	5	83
7	Тўрақўрғон	8	4	5	1	1	2	2	1	-	1	25
8	Уйчи	2	6	-	1	-	1	-	-	-	1	11
9	Учқўрғон	2	4	2	2	1	2	-	1	-	2	16
10	Чортоқ	4	5	1	8	5	10	4	5	-	1	40
11	Чуст	4	6	5	5	4	15	10	1	15	5	70
12	Янгиқўрғон	1	2	3	11	5	25	5	2	15	4	73
	Жами :	36	55	24	43	26	91	34	22	60	29	420


Жадвал Вилоятдаги туман ҳокимликларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган, 2017 й.

Тоғ олди ва адирорти текисликларда тиббий-тарихий-диний туризм объектлари фаолият олиб бормоқда. Вилоятда туризмга хизмат кўрсатиш имконияти бор объектлар сони деярли икки баробар, яъни 735 тани ташкил этади. Вилоятда фаолият юритаётган фирмалар ва мутахассислар сон ва сифат жиҳатдан халқаро стандартларга жавоб бермаслиги олиб борилган илмий тадқиқот натижасида маълум бўлди.

Диссертациянинг II бобининг 1-бўлими «Наманган вилояти экотизимлари: тушунчаси, таснифланиши ва тавсифи» га бағишланган бўлиб, унда илк бор вилоят экотизимлари тип ва тур даражада аниқланди. Шундай қилиб экотизим - экология фанининг объекти сифатида экологик туризмнинг ҳам объекти эканлиги исботланди. Экотуристлик маршрутларни ташкил этишдан асосий мақсад табиатдан оқилона фойдаланиш, бузилган экотизимларни қайта тиклаш, истиқболда туризмнинг тоғ, экстремал ва шоп турларини такомиллаштиришдан иборат.

Миниэкотизимларнинг таснифлаш кўрсаткичлари 1:200000 ўрта масштабда тузилган «Наманган вилояти экотизимлари ва уларнинг туристик имкониятлари» картасида ўз аксини топган.

Наманган вилоятининг экотизимлари мисолида унинг туристик имкониятларини очиб бериш экология фанининг тадқиқот предметига мос тушиши билан характерланади. Экотизимларнинг ҳудудуийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини очиб беришда сайёҳлик маршрутларни яқка ёки бошқа турлар билан истиқболда олиб боришга хизмат қилади.



1-расм. Наманган вилоятининг экотизимлари ва уларнинг туристик имкониятлари картаси

Миниэкологик зоналарнинг антропоген таъсирида ўзгарганлиги ва хизмат кўрсатишнинг нечоқлик яратилганлиги ҳар бир ажратилган 14 тури бўйича ўрганилди. Экологик зоналар типлари ва тури географик тавсифланди ва уларнинг ҳар бирини ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик туристик хусусиятлари очиқ берилган.

Экологик зоналарни таснифлаш ва номлашда унинг доминанти қилиб баланд ва ўртача баландликдаги тоғ экологик зоналарида (1500—4008 м а.б.) ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, паст тоғлардан то текислик (<1500 м а.б.) экологик зоналарига тушиб борган сари кишилик жамиятининг хўжалик юритиш фаолияти олинди.

Диссертациянинг III-боби «**Наманган вилоятининг экотуристлик районлари, маршрутлари ва келажак истиқболлари**» деб номланиб, унинг 1- бўлими вилоят миқёсида экотуризмни ривожлантириш учун албатта экотуристлик районлаштириш ишларини олиб бориш зарурияти дунё тажрибасидан келиб чиққан тарзда асослаб берилди. Зеро, вилоят миқёсида муайян экологик зоналарда экотурларни ўтказиш ижтимоий иқтисодий жиҳатдан самарали бўла олмайди. Экотуристлик район экологик зоналарни туристик кўрсаткичларида қараб ҳудудий қисмлаштириш ва уларни номлаш. Экотуристлик чора - тадбирларни қўллашда географик тадқиқотлар предмети - ҳудудий бир бутунлик, унда тарихан қарор топган ва ривожланган ҳолда экологик зоналарни бирлаштириш (даврийлик), экотуризмни бошқа туристик турлари билан қўшиб олиб бориш имкониятини инобатга олиш (комплекслик) хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда «Наманган

вилоятининг экотуристик районлари ва маршрутлари» 1:200000 масштабдаги картаси энг оптимал масштаб деб топилди. Экотуристик районларга ажратишнинг мақсади, предмети, методи ва топонимикаси вилоят экотизимларини ўзига хос 4 та: Курама - Чотқол тоғ, Чодак - Чуст - Косонсой - Янгикўрғон тоғ олди, Сирдарё ўнг ва чап соҳилидаги текислик экотуристик районларига ажратилди.


Наманган вилоятидаги экотуристик районларга ном беришда табиий географик ва ижтимоий -иқтисодий ҳолати ҳамда уларнинг номланиши асос қилиб олинди. Экотуристик районларга тавсиф беришда эса экотизимлардаги туристик объектларнинг туристик имкониятлари бош мезон сифатида олинди.

Экотуристик районларга ажратишда картографик, тизимли ёндошув, қийслаш каби методлардан фойдаланган ҳолда географиянинг:

— *ҳудудийлик, яъни экотуристик чора-тадбирларни қўллашда ҳудудий бир бутунлик нуқтаи назардан келиб чиқиши;*

— *даврийлик, яъни унинг тарихан қарор топган ва ривожланган ҳолда экотизимларни бирлаштириши;*

— *комплекслик, яъни экотуризмни бошқа туристик турлари билан қўшиб олиб бориши имкониятини инобатга олиши* каби географик тадқиқот предметига амал қилинди.



2-расм. Наманган вилоятининг экотуристик районлари ва маршрутлари картаси

Натижада экотуристтик маршрутлар бўйича янги йўналишлар аниқланди. Экотурларни ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритишда, бошқа туристик маршрутлардан фарқли равишда, сайёҳлик объектларининг жозибadorлиги, ўзига хослиги, имкониятлари, мазмундорлиги, мажмуалилиги, ахборотланганлиги билан бир қаторда унинг хавфсизлигини инобатга олиш бирламчи аҳамият касб этади. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 5.1-банди 6-хат бошида акс эттирилган «Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш» вазифасига мос тушади.

Наманган вилояти ҳокимининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури» 2017 йил 1 мартда тасдиқланган. Мазкур дастурнинг 27-бандида кўрсатилган «Янги турдаги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибadorлигини кучайтириш» дастур банди юзасидан «Наманган вилоятининг экотуристтик районлари ва маршрутлари» картаси ишлаб чиқилган. Экотуристтик инфратузилмани яратишда уч босқичли туристик марказларни маъмурий бирликлар доирасида яратиш; экотуризм мослаштирилган кичик аҳоли пунктларида барпо этиш; нозик экотизимларда тажриба ва синов ишларини ўтказиш таклиф қилинди. Вилоят бўйича туризм ва унинг янги тармоғи ҳисобланган экотуризм йўналишида тавсия этилаётган истиқболли чора-тадбирлар экотурларнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини ишлаб чиқишдан иборат.

Наманган вилоятида туризм, жумладан экотуризмни ривожлантириш учун қуйидаги 17 та чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. илмий тадқиқотлар кўламини туризм, жумладан экотуризмнинг умумэтироф этилган назарий асосларига йўналтирилган тарзда кенгайтириш;
2. халқаро, миллий ва маҳаллий миқёсдаги инвестицияларни туризм соҳасида бажарилаётган лойиҳаларга йўналтириш;
3. вилоятда туризм, жумладан экотуризмни ривожлантириш концепциясини яратиш;
4. стратегик ва тактик истиқболли аниқ ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
5. миллий ва маҳаллий миқёсдаги норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларни амалий жорий қилиш механизминини аниқлаб олиш;
6. турли касбий даража ва компетенцияларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш ва унинг мониторингини олиб бориш;
7. экотуристтик реклама ва ахборот тарқатиш восита ва йўлларини ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

8. инфографикага асосланган туристик объектлар ва маршрутларнинг жозибadorлигини намоён қилувчи видеороликлар, буклет, карта, сувенир, аэровизиуал электрон кўрсатувлар ва ахборот тарқатувчи материаллар ишлаб чиқариш ва уни тарқатишни йўлга қўйиш;

9. глобал тармоқлашган Интернет тизимида вилоятнинг туристик имкониятларини, объектлари ва хизмат кўрсатиш шароитларини кўрсатувчи веб-сайтлар, порталлар яратиш;

10. анъанавий ва ноанъанавий экотуристлик таълим ва тарбияни замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш;

11. туристик индустриясида фаолият юритаётган барча субъектларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш;

12. туристик, жумладан экотуристлик маркетинг ва менежментни маҳаллий ва локал хусусиятларини аниқлаш ва ўзига хос бошқарув тизимини шакллантириш;

13. турли ёшдаги, айниқса, ёшларни экотуристлик маънавияти ва маърифати туристик маданият даражасига кўтаришга эришиш йўллариини излаб топиш;

14. вилоят ва туманлар кесимида локал миқёсда туристик объектларни ўрганиш, кадастрлаш, мониторинг ва назорат, экспертиза ва аудит тизимини яратиш ва уларни ишлаш механизмини йўлга қўйиш;

15. маҳаллий миқёсда фото-видео-мақола-плакат-буклет-артографик-график ишлар конкурслари, кўргазмалари, викториналар, семинар-тренинглар, анжуманларни таксил этиш ва уларни доимий равишда олиб боришни йўлга қўйиш;

16. туризмни вилоят ва туман миқёсида бошқарув туризм тармоғи даражасига олиб чиқиш;

17. вилоят миқёсида туризмни, жумладан экотуризмни индустрия даражасига олиб чиқиш учун уни ташкил этиш, олиб бориш ва статистик ҳисоботларни йўлга қўювчи туристик фирмалар, унга хизмат кўрсатиш ва сервисни яратувчи тадбиркорлик фаолиятини махсус дастур ва режалар асосида ташкил этиш.

Вилоят ҳудуди бўйича экотуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини янада ривожлантириш ва улардан туристик мақсадларда фойдаланиш учун юқоридаги тавсияларни ўз вақтида ижросини таъминлаш ва амал қилиш лозим.

Бу борада, туризм тармоқлари хусусидаги билим ва кўникмаларни аҳолининг барча қатламларига етказиш учун буклет, реклама, видеороликлар ва соҳага оид адабиётлар ёрдамида ривожлантириш лозим.

Наманган вилоятини нафақат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш қолаверса, табиати, табиий ресурслари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлари, экотуристлик имкониятларини аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида вилоятдаги мавжуд туманлар кесимида истиқболли режа ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш зарур.

ХУЛОСА

1. Мамлакатларни, айниқса бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган маъмурий-худудий бўлимларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири туризм соҳасини индустрия даржасига олиб чиқишдир. Бу Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва Наманган вилояти ҳокимлигининг махсус «Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарорида ҳам ўз аксини топган.

2. Тадқиқотлар олиб боргунига қадар Наманган вилоятида туризмни турларга ажратиш, уни режалаштириш, ташкил этиш, ҳисобини юритиш ва олиб бориш илмий асосда йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, унинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятлари туризмни ривожлантириш учун етарли даражададир. Унда 420 дан ортиқ туристик объектлар, жумладан 43 та экотуристлик объектлар борлиги аниқланди.

3. Экологиянинг тадқиқот объекти – экотизим, унинг тадқиқот предмети – экотизимларни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклаш экан, экотуризм ҳам айнан экотизимларнинг туристик имкониятларини ўрганиш ва келажак истиқболларини белгилашга қартилиши лозим.

4. Тадқиқот натижасида Наманган вилоятида V та миниэкотизим типи ва 14 та турига ажратиб олинди. Унинг худудий тарқалиш, даврий ўзгариш ва комплекс ёндошиш хусусияти энг оптимал 1:200000 масштабдаги «Наманган вилоятининг экотизимлари ва уларнинг туристик имкониятлари картаси» да акс эттирилди ва матнда ёзма ифодаланди.

5. Экотизимларнинг худудийлик, даврий ва комплекслик хусусияти вилоят бўйича 4 та экотуристлик районларни ажратиб олишда ва экотуристлик маршрутларни ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилди ҳамда 1: 200 000 масштабдаги «Наманган вилоятининг экотуристлик районлари ва маршрутлари картаси» да ўз аксини топди.

6. Ишлаб чиқилган 12 та экотуристлик маршрутларни экотуристлик районлар бўйича ўтказиш экотуризмни *худудий ташкил этиш, даврий мослаштириш* ва уни яқка ёки қайси бир туристик маршрут турлари билан *комплекс* олиб бориш такомиллаштирилди.

7. Экотуристлик инфратузилмани яратишда уч босқичли яъни туристик марказларни маъмурий бирликлар доирасида яратиш; экотуризмни мослаштирилган кичик аҳоли пунктларида барпо этиш; экотизимларда тажриба ва синов ишларини ўтказиш таклиф қилинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSC.27.06.2017.G.01.06
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАМОЛОВ БАХТИЁР ХАСАНБОВЕВИЧ

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ, ПЕРИОДИЧЕСКИЕ И КОМПЛЕКСНЫЕ
ОСОБЕННОСТИ ЭКОТУРИЗМА В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/G26

Диссертация выполнена в Наманганском Государственный университет.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета (наука@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Нигматов Аскар Нигматуллаевич
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бахритдинов Баходир Арифович,
доктор географических наук, доцент

Шамуратова Нигора Тахировна
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «20» июля 2018 г. в 10⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.:(99871)227-12-24, факс:(99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национального университета Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов,.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №68). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «9» июля 2018 года.

(реестр протокола рассылки № 12 от «6» июля 2018 года.)

Н.И.Сабитова

Председатель разового Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов

Учёный секретарь разового научного совета по
присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

А.А.Каюмов

Председатель научного семинара при разовом
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В отчете Всемирной организации туризма изложены 10 программ устойчивого развития туризма, в которых подчеркивается необходимость «особого внимания вопросам по изменению климата, контролю отбросов, устойчивому использованию земель, сохранению биоразнообразия и особо охраняемых территорий для развития экотуризма»¹. В связи с этим, в целях развития экотуризма предусматривается сохранение устойчивости экосистем, организация на научной основе сохранения биоразнообразия и достопримечательности природы и разработки стратегий устойчивого развития экотуризма.

В мировой практике развития экотуризма уделяется особое внимание достопримечательностям природы, особо охраняемым территориям, охране экосистем и рациональному использованию природных ресурсов. Также, уделяется большое внимание удлинению периодичности экотуризма, усовершенствованию территориального состава, определению комплексных возможностей и повышению эффективности.

В туризме и её отраслях (экотуризм, агротуризм, исторический, религиозный, экстремальный торговый) осуществляется ряд мер по увеличению числа многопрофильных турфирм и по усовершенствованию их специализации и территориального состава с учетом формирования видов обслуживания, природных и общественно-экономических возможностей территорий.

В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям предусмотрено «интенсивное развитие индустрии туризма, повышение её роли и вклада в экономике, диверсификация и улучшение качества туристских услуг, расширение инфраструктуры туризма» и «обеспечение экологической безопасности проживания людей»². В этом отношении, приобретает особую актуальность исследование территориальных, периодичных и комплексных особенностей экотуризма в Наманганской области с разнообразными природными условиями и экосистемами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4861 «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристической отрасли Республики Узбекистан» от 2 декабря 2016 года, УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан» от 3 февраля 2018 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3509 «О мерах по развитию въездного туризма» от 6 февраля 2018 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан

¹<https://www.e-unwto.org/doi/pdf/>. UNWTO Annual Report 2017

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма» от 7 февраля 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научно-теоретические вопросы экотуризма исследованы зарубежными и отечественными географами и экономистами. Вопросы экотуризма впервые были рассмотрены в конце XX века и в начале XXI века в работах Р.Давыдова, А.В.Дроздова, В.В. Храбовченко, Т.В.Бочкаревой, Л.И.Егоренкова, А.Таксанова.

В Узбекистане по менеджменту и маркетингу туризма провели научные исследования О.Х.Ҳамидов, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, М. Р. Усманов. Научно-теоретические основы экотуризма изучены А.Н. Нигматовым, Н.Т. Шамуратовой и М. Хошимовым. Исследования данных ученых посвящены изучению научно-теоретических основ экотуризма в нашей республике.

